

“ТАСДИҚЛАЙМАН” “ENERGOQURILISHINDUSTRIYA”

УК директори

Э.Солиев

◀ ▶

A circular blue ink stamp. The outer ring contains the text "O.ZERKEDIJROE" at the top and "WILHELMUS VAN DER KAMPT" at the bottom, separated by a horizontal line. In the center, the word "EAT" is printed in large, bold letters, with "K.M.W." written vertically to its right. The date "19-12-1951" is stamped at the bottom of the circle.

2022 йил

“ENERGOQURILISHINDUSTRIYA” УКнинг биржа орқали сотиб оладиган цемент маҳсулотини унитар корхона цемент омборига олиб келиш бўйича

ТАНДОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Бүстонлиқ тумани - 2022 йил

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

- 1.1. «ENERGOQURILISHINDUSTRIYA» УКнинг биржа орқали сотиб оладиган цемент маҳсулотини унитар корхона цемент омборига олиб келиш бўйича транспорт хизмати.
- 1.2. Танловнинг максимал қиймати 558 000 000 (беш юз эллик саккиз миллион) сўм. Танлов иштирокчиларинг таклифи танловнинг максимал қийматидан юқори бўлиши мумкин эмас.
- 1.3. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 2022йилнинг 31 декабригача.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

- 2.1. «ENERGOQURILISHINDUSTRIYA» УК (бундан кейин –“Буюртмачи” деб аталади) – танлов ташкилотчиси ҳисобланади.
“Буюртмачи” манзили: 110709, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Искандар қўрғони.
- 2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

- 3.1. Танловда мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизмат кўрсатишига ихтисослашган юридик мақомга ега бўлган ташкилотлар, шу жумладан кичик субъектлари иштирок этиши мумкин.
- 3.2. Танловда қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турган корхоналар иштирок этишга рухсат берилмайди.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

- 4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишида (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришлари лозим.
- 4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотларни “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ўзбек ёки рус тилида тилида тақдим этиши лозим.
- 4.3. Танлов хужжатларида “Буюртмачи” қўйидагилар тақдим этилиши лозим:
 - техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талаблар, бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;
 - нарх қисми, танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддати, тўлов тартиби ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.
- 4.4. Танлов иштирокчиси:
 - факат битта таклиф бериши мумкин;

-тақдим этилган хужжатларнинг хақиқийлиги ва маълумотларнинг хаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади.

-таклиф бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хуқуқига эга.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Конун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.
- 5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибдағолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.
- 5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Голиб иштироқчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

6. БОШҚА ШАРТЛАР

- 6.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товар(иш, хизмат)ни ўзгартаришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартариш киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартариш киритилади.
- 6.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишига ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюрмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.
- 6.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзимзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.
- 6.4. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

Тузди  У.Таджибаев